

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

2016 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг номинал қиймати 2015,2 млрд. сўмда баҳоланди. ЯҲМ реал ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 105,3 фоизни ташкил қилди.


2016 йилнинг январь-мартда хизматларнинг ЯҲМдаги улуши 30,3 фоизга ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоизга камайди (30,8 фоиз).

Шунингдек, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2016 йил январь-мартда 2168,5 минг сўмдан тўғри келиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил этди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2015 йил
январь-март



2016 йил
январь-март



- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги
- Хизматлар

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-март ойларида қуйидагича ифодаланади:

	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида		2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	
Жами	100,0	100,0	105,3
шу жумладан:			
қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги	5,4	5,0	108,4
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	63,8	64,7	103,0
хизматлар	30,8	30,3	109,4

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 27,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 25,8 фоизни ташкил этган.